

ОИЗБИКИТОН
TOSHKENT
KASBI
1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бйл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 12 октябрь, шанба

№81 (11.469)

Эркин нарҳда сотилади

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Республика Олий Мажлисида Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банк билан ҳамкорликда "Ўзбекистон иқтисодийтини эркинлаштириш шароитида банк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзuida амалий семинар ўтказилди.

Маълумки, юртбошимиз Ислам Каримов иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий конвертацияни таъминлаш ва миллий валюта курсини ҳар томонлама мустаҳкамлаш масалаларини мамлакат учун энг устувор вазифа ва мақсадлар қаторида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Семинарда Марказий банк раиси ўринбосари Равшан Ҳуломовнинг мамлакатимиздаги банклар фаолиятига оид қонун ҳужжатларини долзарб масалаларига бағишланган маърузаси тингланди.

Семинарда мамлакатимиздаги турли вазирлик ва идоралар вакиллари, халқаро маслаҳатчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари сўзга чиқишди.

Семинар натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Гаров тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан муайян тавсиялар қабул қилинди.

"Туркистон-пресс".

«ҲАМДУЎСТЛИК» ДУНЁ ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА

Вилоят ҳокимлиги қошида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳамдўстлик» клубининг тантанали тақдимот маросими бўлиб ўтди



НОМИ ҲАМ ЧИРОЙЛИ

— Ўзбекистонда ташкилотлар кўп, — деди тадбирни очаркан вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев. — Лекин, бугун ўз фаолиятини бошлаётган клуб нодавлат, нотижорат ташкилоти эканлиги билан ҳам эътиборга молик. Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг жамиятимизда хотин-қизлар мавқеини ошириш борасида олиб бораётган сиёсатига ҳамоҳанг тарзда очилаётган бу тузилма дунё маданияти, анъана ва урф-одатлари, турли мамлакатлардаги аёлларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, жамият ривожига иштироки билан яқиндан танишиш, шунингдек, ўзбек маданияти, урф-одат

Тақдимот

ва қадриятлари, хотин-қизларимизнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрнини жаҳонга кенг ёйишни ўз олдига мақсад қилиб олгани қувонарли.

— Очилишни чинакам байрам қилишга арзигулик бу ташкилотнинг номи ҳам чиройли — «Ҳамдўстлик»! Ҳозирданок кўплаб мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари мазкур клуб билан ҳамкорликни бажонудил бошлаб юборганларининг гувоҳи бўлиб турибмиз, — деди тантанали маросимда сўзга чиққан республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ҳуломова. — Жумладан, АҚШ, Франция, Япония, Италия, Германия, Буюк Британия, Индонезия, Ҳиндистон, Малайзия, Эрон, Исроил, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар вакиллари клубнинг бунёдга келишига муносиб ҳисса қўшиб, унга ўз экспонатларини тақдим этганликлари учун миннатдорчилик билдириш керак.

КЛУБГА ТАШРИФ

Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиеванинг музикаий табригидан сўнг тадбир иштирокчилари клуб билан таниша бошладилар. Остона ҳатлаб, ичкари киришингиз билан назарингиз ўзбек миллий амалий санъати намуналарига тушади. Чап томондаги ўзбеккона безатилган мўжаз хона деворидаги гулпеч ва зардеворлар, тўшалган гилам ва кўрпачалар, ўртадаги хонтахта устида ёзилган дастурхондаги ноз-неъматлар, (Давоми 2-бетда).

ИНВЕТОРЛАР ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон ҳукумати-нинг «Чет эл инвесторларини жалб қилган ҳолда 2001-2002 йилларда корхоналарни давлат ҳисобидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамиятининг 25 фоиз акциялари хоржий инвесторларга сотувга қўйилмоқда.

Мазкур акциядорлик жамиятининг тақдими Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида ўтказилди. Унда элчихоналар, чет эл компаниялари ва молиявий инсититутлар вакиллари қатнашди.

"Оҳангаронцемент"нинг йиллик қуввати 1 миллион 738 минг тоннани ташкил этади. Тез орада немис шериклар билан ҳамкорликда корхонада реконструкция ишлари бошланади.

Ўзбек цементини Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон сотиб олади. Шу йилдан бошлаб цемент Афғонистон бозорига ҳам чиқарилмоқда.

"ЕРИС" маслаҳатчиси Волфганг Херингнинг "Туркистон-пресс" муҳбирига айтишича, "Оҳангаронцемент" корхонасининг мавжуд молиявий ва ташкилий мақоми белгиланди. Унинг фаолиятини яхшилаш учун тавсияномалар беришди.

Олий Мажлис қўмитаси йиғилишида

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Республика қонуни ижросининг Тошкент вилояти мисолида ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Йиғилишда Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, вилоят давлат экология экспертизаси раҳбари Т. Эргашевнинг пойтахт вилоятида давлат экология экспертизасининг 2000-2002 йилнинг 9 ойи давомидаги фаолияти

ҳақидаги ҳисоботи тингланди ва муҳокама қилинди.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки даврдан бошлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди нотик. — Ҳозирги кунга қадар

(Давоми 2-бетда).



Пахта — 2002

ҒОЛИБГА ЮЗ МИНГ СЎМ МУКОФОТ

Чиноз туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида пахта йиғим-терими иштирокчиларини моддий рабатлантириш омилларида самарали фойдаланилгани туфайли йиллик шартнома режаси 17 иш кунда бажарилди

Хўжалик бошқаруви раҳбарлари бу йилги шароитни ҳисобга олган ҳолда, бош пудратчилар билан маслаҳатлашиб, 373 гектар майдондаги ҳамма ҳосилни кўлда йиғиб-териб олишга қарор қилди. Бунинг учун 42 та пудратчи оиладан ва ҳудуддаги меҳнат-

га яроқли бўш аҳолидан неча киши теримда қатнашиши мумкинлиги олдиндан аниқланди. Уларга ҳар беш кунлик якунида терган пахталари ҳақини қанда қилмай бериб бориш ваъда қилинди. Бундан ташқари режани би-

(Давоми 3-бетда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

AZIZ DO`STLAR!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин.

Севимли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га 2003 йил учун обуна бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади — сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

Олий Мажлис кўмитаси йиғилишида

республикамизда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган қарийб ўттиздан ортиқ қонун ва эллика яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўз фаолиятида ана шу ҳужжатлар кўрсатмаларига оғишмай амал қилаётган вилоят давлат экологик экспертизаси прогноз қилинаётган, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини, атроф-муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки салбий таъсир кўрсатаётган бошқа шу каби фаолиятнинг экологик ҳавфлилик даражасини ўрганиш ва уларнинг асосланганлигини аниқлашга катта аҳамият бериб келмоқда.

Ҳисобот даврида муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, лойиҳаларнинг турли босқичларга мансуб бўлган 1100 га яқин ҳужжатлари кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти маъқулланди, 33 таси эса камчиликлари бўлганлиги чеklangан жамият томонидан автотомобилларга ёнилғи қўйиш шартлари кўриб чиқилди. Чунки, бу лойиҳа ҳужжатлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари асосида бажарилмаган. Шу даврда айрим иншоотларнинг жойлашиши экологик талабларга зид келганлиги сабабли уларнинг қурилишига эътироз билдирилди. Масалан, вилоят давлат экология экспертизасининг кенгаши мажлисида Янгийўл шаҳрининг собиқ 11-кўмир омборида гувала шаклидаги олтингурутни кўкун қилувчи корхона аҳоли уй-жойларига

(Давоми. Боши 1-бетда).

нисбатан яқин масофада жойлаштирилмоқчи бўлинганлиги, санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бермаслиги сабабли қурилишига руҳсат берилмади. Бўстонлик туманидаги «Қораманас» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ер ости

санаторийсида 550 ўринли ошхона қурилишига кредит ажратилган. Унинг раҳбари бу ўзбошимчалиги учун жарима билан жазоланди. «Пахтабанк»нинг Тўйтепа бўлими «Бунёд» ва «Ташаббус» хусусий корхоналарига ҳеч қандай лойиҳасиз, бунинг устига экологик экспертиза ҳулосасисиз 2 миллион сўм миқдорда кредит ажратган. Бу банк раҳбари ҳам тегишлича жазосини олди.

Экологик экспертизани ўтказишда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бўлинмалари ходимлари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари кенгрок жалб қилишга эътибор берилмоқда. Айниқса, маълум бир соҳанинг етук мутахассислари ва олимлари бу ишда салмоқли ёрдам бермоқдалар. Барча лойиҳа ҳужжатларининг 98 фоизи улар иштирокида кўриб чиқилмоқда. Уларнинг фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари экологик экспертиза жараёнида инobatга олинади.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

ичимлик сувлари чиқиш манбалари бўлганлиги туфайли бу ерда «Аллазиз — Карим» масъулияти чекланган жамият томонидан автотомобилларга ёнилғи қўйиш шартлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ экологик экспертизанинг ижобий ҳулосаси бўлмаган лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молиялаштирилиши тақиқланади.

Лекин текширишлар давомида вилоятда унга амал қилмаслик билан боғлиқ бўлган камчиликлар ҳам аниқланди. Масалан, «Савдогарбанк»нинг Фазалкент бўлими томонидан «Товоқсой»

Йиғилишида вилоят давлат экологик экспертизаси фаолиятида ютуқлар қатори айрим камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги қайд этиб ўтилди. Маърузани муҳофаза қилишда қатнашган кўмита аъзолари шундай нуксонларни очиқ-ойдин кўрсатдилар, уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар, экспертиза ишларини янада юксак даражага кўтариш ва самарасини яхшилаш билан боғлиқ тақлифларни ўртага ташладилар.

Кўмита йиғилишида муҳофаза этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
махсус мухбири.



ҲАМКОРЛИК

Халқаро анжуман самарали ўтди

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтида "Радиоизотоплар ва уларнинг қўлланилиши" мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг таниқли олимлари билан бир қаторда МДХ республикалари, АҚШ, Германия, Туркия ва бошқа давлатлардан вакиллар иштирок этди.

Институт Франция, Швеция, Италия, Япония, Жанубий Корея, Бельгия, Польша, Чехия каби жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлати марказлари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Жамоа олимлари нафақат фундаментал, балки амалий тадқиқотлар бўйича ҳам кенг қўламда иш олиб бораётир. Бу ерда ишлаб чиқариш соҳаси учун зарур юқори технологиялар, технологик параметр ва жараёнларни назорат қилиш усуналари ва усуллари ҳам

яратилаяпти.

Анжуманда радиокиме ва радиоизотоп маҳсулотлари, биология, генетика, қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиётда радиоизотопларни қўллаш, атроф-муҳитдаги радионуклид ва микроэлементларни ўрганиш каби қатор йўналишлар бўйича кенг қўламда фикр-мулоҳаза юритилди. Бу борада хорижий мутахассислар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

ЎЗА.

Бозор ва режалаштириш

Тошкентда "Хусусий тадбиркорликни режалаштириш ва ривожлантириш стратегияси" мавзuida семинар бўлиб ўтди. У Фридрих Науман жамғармаси томонидан Тадбиркор аёллар уюшмаси ҳамда шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кўмагида ташкил этилди.

Кичик бизнес бозор ҳўжалиги самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган хусусий мулкчилик соф ҳолатда бўлган ягона тармоқдир.

Ҳар бир тадбиркор ўз бизнесини муваффақиятли юритиши учун эртанги кун режаларини тўғри тузишга қодир бўлиши, мамлакатда ҳўжалик юритиш шароитларининг ҳар

қандай сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларига мослаша олиши лозим.

Семинар қатнашчилари Германияда хусусий бизнесни юритишнинг амалий тажрибаси билан танишди, менежмент ва маркетинг масалалари бўйича тавсиялар олди.

ЎЗА.

Прагма — тендер ғолиби

АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД)нинг Марказий Осиё мамлакатларида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаси бўйича тендер натижалари эълон қилинди. Прагма корпорацияси тендер ғолиби деб топилди.

Ҳозирда бухгалтерлар ва аудиторлар учун Прагма томонидан Марказий Осиёда ташкил этилган курсларда 17 минг киши таълим олди, шундан Ўзбекистонда 6 минг кишидан ортиғи ўқитилди. Корпорация ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли мутахассисларга "Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер" ва "Сертификатланган амалиётчи бухгалтер" малакасини бериш учун имтиҳон ва сертификатлаш марказлари ҳудудий тармоғи яратилди.

Шунингдек, 70 га яқин касб-ҳунар бизнес курслар ўтказилди. Уларда бир ярим минг нафар ўзбекистонлик тадбиркорлар ўқитилди. Икки йил давомида бутун мамлакатимиз бўйлаб 200 га яқин хусусий компания ЮСАИД ва Прагма корпорацияси томонидан ташкил этилган тадбиркорликни ривожлантириш марказлари миқдорларига айланди. Улар орасида кичик ва ўрта корхоналар ҳамда "Музимпекс Тижорат" унитар корхонаси, "Anglesey Food Ltd." каби хусусий бизнеснинг йирик вакиллари бор.

Жамшид РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

«ҲАМДЎСТЛИК» ДУНЁ ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА

сархил мевалар, лагандаги палов — буларнинг бари қараган кўзни яйратади. Тўрда нуруний отахон ва онахон ўтирибди. Пойгакда миллий либосдаги ўғил ва келин улар хизматига мунтазир... Бўй баравар қилиб ясалган бу шакллар ўзининг жозибаси ва ўзбекона лутфи билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Зеро унда миллатимизнинг энг нозик қирраси — анъанаси ўз ифодасини топган.

Клуб кўргазмалар залининг ўнг томонида кетма-кет Малай-

зия ва Индонезия халқлари турмушини акс эттирувчи экспонатлар жойлашган.

— Кўриб турганингиздек, малайзияликлар уйига қозиклар устига ўрнатилган айвон орқали кириб борилади, — дейди Малайзиянинг Ўзбекистондаги консули рафикаси Зурина Закария. — Айвон остидаги бўшлиқда рўзғорга барака киритувчи паррандалар боқилади. Мамлакатимизда уй бекалари оила юмушларини муқаддас деб билишади.

Экспонатлар ичида турли рўзгор



буюмларини учратиш мумкин.

Индонезия томони тақдим этган экспозиция билан мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот ва маданият бўлими котиби Амир Астапрадья таништиради:

— Меҳнатдан чўчимайдиган аёлларимиз байрамларни ҳам хуш кўришади. Шу боис, бу ерда байрам жиҳозлари намойишига кўпроқ эътибор бердик. Шодиёналар учун мўлжалланган кўп қаватли, серҳашам соябонлар, миллий театр сахнасининг кўрки

бўлган кўғирчоқлар, Соялар театрининг бетакрор рамалари, шунингдек, маданиятимизнинг мўжаз тимсоллари бўлмиш ёдгорлик буюмлари юртимиз хотин-қизлари турмушидан оз бўлсада, тасаввур берар деган умиддаимиз. Муҳташам зал бўйлаб айланар экансиз турли маданиятлар, турмуш тарзи, анъаналар, урф-одатлар билан таниша борасиз. Кўплаб суратлар, плакатлар, буюмлар, адабиётлар навиқирон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириб бораётган мамлакатлар халқлари ҳақидаги билим ва тушунчаларимизни янада бойитилади. Ўзимиз яшаётган сайёрамиздаги заминдош одамлар турмуш ва кизиқишлари ҳақида ҳали кўп нарса билмаслигимизга амин бўлаимиз ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошевдан клубнинг рамзий калитини қабул қилиб олаётганда, мазкур клуб раҳбари Альбина Белевич айтган сўзлар беихтиёр қайта жонланади: «Бу умумий уйимиз калити бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Уни асраш ўз қўлимизда».

Оқ йўл, сенга, «Ҳамдўстлик»!
**Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ,
Даврон АҲМЕДОВ
(суратлар),
«Тошкент ҳақиқати»
мухбирлари.**

СЎЗ МЕҲМОНЛАРГА



Майкл Райнерт,
АҚШ элчихонасининг
ахборот, таълим ва
маданият ишлари
бўйича маслаҳатчиси:


— Бизнинг давлатимиз шаклланишида аёллар ҳиссаси катта бўлган. Кўплаб олимлар бу борадаги фаолиятни тадқиқ этишади. Айниқса, хотин-қизлар ташкилотларининг фарзандлар саломатлиги, тарбияси, таълими соҳаларидаги ишлари беқиёс. Янги клуб ҳам мавжуд халқаро ташкилотлар фаолиятини ўрганиб, ўз ишлари йўналишини доимий такомиллаштириб боради, деб ўйлайман.

(Давоми. Боши 1-бетда).



**Доктор
Элдерс Халаф
Шокир,**
Миср Араб
Республикасининг
Ўзбекистондаги
элчихонаси қoшидаги
маданий марказ директори:

— Қаерда яшаши, ирқи, миллати, дини ва ижтимоий аҳолидан қатъи назар, кўнгилли тарзда юридик ва жисмоний шахсларни бириктирувчи нодавлат, нотижорат ташкилотнинг истиқболи порлоқ назаримда.



Дмитрий Рюков,
Россиянинг
Ўзбекистондаги
фавкулдда ва мухтор
элчиси:

— Назаримда барча халқлар маданиятида аёл тушунчаси муқаддас ҳисобланади.

Шундай экан, хотин-қизлар бошлайдиган ҳар бир хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаш керак деб биламан. Айниқса, у «Ҳамдўстлик» клуби каби олий мақсадларни кўзлаган бўлса. Ушбу ташкилот Россия элчихонаси тимсолида энг фаол аъзога эга бўлди, деб ҳисоблайверинг.

ҒОЛИБГА ЮЗ МИНГ СЎМ МУКОФОТ

ринчилардан бўлиб бажарган бригадаларга 100 минг, 75 минг ва 50 минг сўмдан мукофот белгиланди. Шунингдек, беш кунликда энг кўп пахта терганларга 5 минг сўмдан қўшимча ҳақ тайинланди.

Рағбатлантирувчи омил ўз самарасини кўрсатди. Терим 24 сентябрда бошланган бўлса, икки-уч кун ўтгач, қизгин тус олди. Ҳар куни 800 киши теримда қатнашди. Қабул пунктларига кунига йиллик режанинг 5-6 фоизи миқдориди пахта топширилди. Ҳар беш кунлик якунида ҳақларини нақд олиб турган теримчилар суръатни бўшаштирмадилар. Мухтасар Мирзраимова, Юлдуз Эгамова, Мавжуда Гоипова сингари чевар теримчилар 5 октябр-гача терган пахталари учун 82 мингдан 123 минг сўмгача пул олдилар.

Машраб Ҳасанов бош бўлган пудратчилар режани биринчи бўлиб бажариб, 100 минг сўмлик мукофотни кўлга киритдилар. Кейинги мукофотли ўринлар Наби Баратов,

(Давоми. Боши 1-бетда).



Абдулхай Яхёев бош бўлган пудратчиларга насиб этди. Ҳозиргача бу бригадаларда ҳосилдорлик 32-34 центнерга етди.

Ҳосил асосан қўлда терилгани учун 1120 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Даромад ҳам шунга яраша. Шу кунгача 170 миллион сўмлик хом ашё сотилди. Далада эса яна камида 200 тонна ҳосил бор.

— Биринчи теримда ҳар килограмм пахта учун 28 сўмдан



Пахта — 2002

ҳақ тўланган бўлса, иккинчи терим учун 35 сўм қилиб белгиладик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Алишер Ақромов. — Шу боис терим суръати сусайгани йўқ. Демак, даладаги қолган ҳосил ҳам ҳадемай тўла саранжомлаб олинади.

Самад САРИМСОҚОВ.

СУРАТЛАРДА: бошқарув раиси Алишер Ақромов илғор теримчилардан Зайнабхон Эргашева, Кенжахон Гафурова, Мавжуда Йўлдошева билан суҳбатда; транспорт трактори ҳайдовчиси Собиржон Абдуллаев шу кунгача 200 тоннадан зиёд пахтани қабул пунктига етказиб берди.

Сайфиддин ИСКАНДАРОВ олган суратлар.

ҲОСИЛ ЁПҚИЧСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Мустақиллик байрами арафасида Пскент туманида иш бошлаган янги корхона — "Пскент-сифат" масъулияти чекланган жамияти қисқа вақтда "Ўзпахтасаноатсотиш" давлат уюшмаси буюртмасига биноан пахта бунглари устини ёпиш учун минг дона брезент ёпқич етказиб берди. Корхонада кунига юзта ана шундай ёпқич тикилмоқда.

— Мамлакатимизда брезент ёпқичларга талаб катта. Илгари бундай маҳсулот четдан олиб келинар, турли сабабларга кўра маҳсулот тақчиллиги муаммо туғдирар эди, — дейди корхона ижрочи директори Шавкат Тўйчиев. — Эндиликда брезент ёпқичлар тикиш учун хомашёни корхонамиз яқинидаги "Кенаф" Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасидан олаёмиз.

Жамият аъзолари фақат брезент ёпқич тикиш билан чекланиб қолишадигани йўқ. Бу ерда пахта ишдаги техник мато ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган. Шу мақсадда цехларга қирқта тўқуш машинаси ўрнатилди. Улар ёрдамида йилига 500-600 минг погон-метр техник мато ишлаб чиқариш, ундан эса шу ернинг ўзида тайёр иш кийимлари, кўлқоплар тикиш мўлжалланган.

Ҳозир корхонада 130 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Жамият ишлаб чиқаришни хонадонларга ҳам кўчириш, улар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ҳаракатида. Чунки корхонага қатнаб ишлаш имконияти йўқ, аммо кўлидан иш келадиган уй бекалари, қиз-жувонлар анчагина. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошласа, ишчилар сони икки юздан ошади.

Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Оққўрган — вилоят хирмониға қирқ минг тоннадан зиёд пахта тўқадиган учта йирик туманинг бири. Пахта тайёрлаш суръати бўйича ҳам пешқадамлар сафида бормоқда.

Туманинг мавсум бошидан оқ илғорлар қаторидан жой олишида Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пахтакорларнинг ҳиссаси катта. Биринчидан, бошқа хўжаликлар кунига 2,5 фоиз атрофида пахта тайёрлаётган бўлса, охунбобоевликлар 3 фоиздан ошириб хом ашё топширишяпти. Иккинчидан, шу кунгача йиллик режада белгиланган ҳосилнинг учдан икки қисмини йиғиб-териб олишди.

Албатта, айрим хўжаликлар 40-50 фоизда ётганда охунбобоевликлар режани 80 дан ошириб қўйганларнинг ўзига яраша омили бор. Биринчидан, бошқарув раиси Раҳимжон Ҳақимжонов иқтисодчи эканлиги учун бўлса керак, хўжаликда молия-ҳисоб маркази қонуний тартибдан оғишмай иш юритади. Унинг эшиклари пудратчилар учун доимо очик. Айниқса, йигим-терим бошланганидан сўнг бу ердан одам аримай қолади. Пудратчилар бугун топширган пахталари қанча чиққани ва қайси навга қабул қилингани ҳақида бош пудратчидан олган маълумотларини ҳар икки-уч кунда марказга келиб, солиштириб, назорат қилиб борадилар. Бу — уларнинг ҳуқуқи. Қолаверса, бундай тартиб марказда хизмат қилаётган иқтисодчилар учун ҳам қулай. Чунки, ҳар кимнинг ҳақи ўз ҳисобига ёзилади. Натижада тушунмовчилик ва дилхиралликлар бўлмайди.

— Мухими шундаки, пудратчиларнинг фаоллиги ошиб, бизнинг ишимиз анча енгиллашиб қолди, — дейди молия-ҳисоб маркази иқтисодчиси Ўткир Казаков. — Улар кунлик терилган пахтани қабул пунктига ўзлари олиб бориб топшириб, нави, ифлослик даражаси масалаларини манфаатдорлик билан назорат қиладилар.

Иқтисодчи таъкидлаганидек, илгариги оддий пахтакор билан бугунги пудратчи ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Моддий манфаатдорлик амалда таъминланиб, пудратчи ҳақини вақтида ва тўлиқ олиб тургани учун астойдил ишлаяпти.

— Бу йил пахта 15-20 кун кеч етилди де-

ган гап бор. Аммо, биз буни сезмадик, — дейди бошқарув раисининг муовини Лапас Сулаймонов. — Сентябрнинг биринчи ўн кунлигида далаларни айланаб чиққиди ва 70-80 фоиз кўсак очилган майдонларда теримни бошлаб юбордик.

Тўғри, хўжаликда ҳар йили шундай қилинади. Чунки, етиштириладиган ҳосилнинг тенг ярми, яъни 750 тоннаси уруғликка қабул қилинади. Шу боис режа асосан қўл терими билан бажарилади. Уруғлик режаси 2 октябрдаёқ удаллаб қўйилди. Биринчи терим тугаши арафасида эса, уруғлик ҳисобига сотилган пахта 1000 тоннадан ошди.

— Уруғчиликка иқтисослашишнинг ўзига яраша масъулияти, машаққати ва шу билан бирга иқтисодий жиҳатдан афзаллиги ҳам бор, — дейди. Ў.Казаков. — Пудратчиларимиз буни амалда кўрганларидан сўнг ҳаракатга тушиб қолдилар. Уларга ўргатиш ёки талаб қилишнинг ҳожати йўқ. Уруғлик пахтани ёғингарчиликка қолдирмай, териб топшириш кераклигини яхши билишади.

Биз хўжаликда бўлган кунимиз буни ўз кўзимиз билан кўрдик. Айрим майдонлардаги ҳосил чўғини кўриб, ҳали қўл урилмапти, деган хаёлга борасиз. Ҳолбуки, режа 80 фоизга боргандагина биринчи терим тугади. Бундай даражага эришишнинг ўзи бўлмайди.

Терим авжи қизгин паллага кирган кезлари кунига камида 600 киши далага чиқди. Биз теримчиларнинг беш кунда неча сўм ишлаётгани билан қизиқдик. Энг ками — 20 минг сўм. Илғор теримчилар эса 34-35 минг сўмдан пул олишяпти. Агар битта пудратчи оиладан 2-3 киши теримга чиқса, 20-30 кун давом этадиган мавсумда яхшигина даромадли бўлиб қолади. Бу ўзига бириктирилган ердан топширган пахтасининг ҳақидан ташқари, албатта.

Барака — ҳаракатда, деб бежиз айтилмаган. Йигим-теримда Оққўрган туманида пешқадамлик қилаётган охунбобоевликлар буни амалда исботлашмоқда.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Янги ўқув- услубий марказ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабгача тарбияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Унда мактабгача ёшдаги барча болаларга мақсадли йўналишда таълим-тарбия беришни ташкил этиш вазифаси қўйилган.

Шу мақсадда "Мактабгача таълим ёшидаги болалар тарбияси-га қўйиладиган давлат талаблари" ва "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастурлари қабул қилинган.

Ана шу ҳужжатлар талаблари ижросини таъминлаш йўлида "Мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув-методика маркази" очилди.

Марказда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган тинловчиларнинг яшаши, малака ошириши, маданий дам олиши учун 247 ўринли ётоқхона, врач маслаҳатхонаси, босмахона ҳамда услубий хоналари мавжуд.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

Йўналишлар ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Миллий матбуот марказида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Тадбиркорликни ривожлантириш маркази ҳамкорлигида «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Иқтисодиётнинг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ва шуғулланмоқчи бўлган ёш тадбиркорлар амалий ҳамда назарий билимларини ҳам оширишлари лозим. Статистика маълумотларига қараганда, бугун мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчиларнинг тўртдан бир қисми 20 ёшдан 28 ёшгача бўлган тадбиркорлардир.

Мазкур тадбир шу масалага бағишланди. Унда иштирокчилар томонидан ёшларимизни тадбиркорликка тайёрлаш йўналишлари қабул қилинди. Бу йўналиш тўққиз банддан иборат бўлиб, унинг мақсади кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларни ўқитишни тўғри ташкил қилиш ва бошланғич сармоя билан таъминлашдан иборатдир.

«Туркистон-пресс».

АХБОРОТ

Мансабдор шахслар томонидан содир қилинаётган суистеъмолчиликлар ва порахўрлик жиноятларига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида жиноят устида қўлга олинган мансабдор шахслар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар ҳокимияти назорат инспекцияси бош нозири Зокиржон Дониёрров тамағирлик йўли билан тадбиркор Х.Ҳақимовдан 100 АҚШ доллари ва 220.000 сўмни пора тариқасида олаётганида ушланиб, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиқарилган.

Тадбирлар давом этмоқда.
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
Матбуот Маркази.

Dushanba

14

«Ўзбекистон» телеканалли

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 октябрь куни «Ўзбекистон» телеканалли кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 ТВ анонс.

15.50 «Ошин». Телесериал.

16.20 «Тўртинчи ҳокимият».

16.40 «Бу ажиб фасл».

Телеальманах.

«Болалар сайёраси»:

17.00 1. Санъат гунчалари.

2. «Олтин тож».

Телевизион ўйин.

18.10 «Олов - тилсиз ёв».

18.30 Муסיкий танаффус.

18.45 «Мулк».

19.00 «Аския».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00

Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус

тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк

хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Қўшигимиз сизга

армуғон».

21.25 2002 йил -

Қарияларни қадрлаш

йили. «Париси бор уй».

21.45 «Гиёҳвандлик - аср

вабоси».

22.05 Теннис бўйича Осиё

чемпионати.

23.05 «Марсия». Телесери-

ал.

23.55 «Ахборот-дайжест».

00.15-00.20 Ватан

тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканалли

Профилактика муносабати билан душанба, 14 октябрь куни «Ёшлар» телеканалли кўрсатувлари соат 15.55 бошланади.

15.55 Кўрсатувлар дастури.

16.00 «Давр». Ҳафта ичида.

16.30 Кўҳна оҳанглар.

16.40 «Янги авлод» почтаси,

«Дунё ва болалар».

17.10 «Покахонтас».

Мультсериал. 1-қисм.

17.35 ТВ-анонс.

17.40 Спорт ҳафтанома.

17.55 Ўзбекистон

Республикаси Конституци-

яси 10 йиллиги олдидан.

«Озод элим - ойдин йўлим»

кўрик-танлови: Самарқанд

телерадиокомпанияси

тақдим этади.

18.25 Тафаккур ёлқинлари.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.55 «Озод юрт

фарзандлари». Видео-

фильм.

20.10 Ёшлар овози.

20.30 Севги тароналари.

20.50, 21.25, 22.35

Эълонлар

20.55 «Эсмеральда».

Телесериал.

21.30 Кишлоқдаги

тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканаллида

спорт: Интерфутбол.

Танаффус пайтида -23.55

Давр.

1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент»

телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Гросс

поинт». 6-қисм.

17.40, 19.10, 21.50

«Экспресс» телегазетаси.

18.00 Болажонлар экрани.

«Астериксинг 12

жасорати». 1-қисм.

18.30, 20.00, 21.10, 22.10

«Пойтахт». Ахборот

дастури.

18.50 «Халқ саломатлиги

йўлида».

19.30 «Спорт ва болалар».

19.45 «Аёл қалби».

19.55 «Жозиба».

20.30 ТТВда сериал:

«Азизим Изабелла».

21.30 «Avto-news».

22.35 Кинонигоҳ. «Уйғониш

даврининг вакили».

00.35-00.40 «Хайрли тун,

шаҳрим!»

«Халқаро»

телеканал

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Вести».

17.05 «Евроњьюс»

янгиликлари.

17.20 «Ҳазил кетидан

ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.

18.00 «Мени кутгил».

19.00 «Ким миллионер

бўлиши истайди?»

Телеўйин.

20.00 «Время».

20.40 «Каменская». Сериал.

21.30 «Соғинч».

21.45 «Муҳаббат даври».

Сериал (сўнгги серия)

22.35 «Юлдузлар

фабрикаси».

23.00 «Ахборот» (рус

тилида)

23.35 «Тунингиз осуда

бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очили-

ши. 17.00 Шоу соати.

17.40, 20.45 «Телехам-

кор». 18.00 «Кўрсичқон 2».

Сериал. 18.55 «Ошиқона».

Муסיкий дастур. 19.10

«30-канал» кинооқшоми:

«Эчки» операцияси».

21.05 «Клип-совға». Теле-

табрикнома. 21.20 «Хайр-

ли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқ-

шоми: «Киёфасиз одам».

23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

15

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбеки-

стон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 Болалар учун.

«Камалак».

9.40 «Соғлом она - соғлом

бола».

10.00, 14.00, 18.00

Янгиликлар

10.05 «Мулк».

10.20 «Рангин дунё».

10.40 «Фарзанд - умид

юлдузи».

11.00 Теннис бўйича Осиё

чемпионати.

13.00 «Париси бор уй».

13.20 «Олтин дала».

Пахтакорлар учун дам

олиш дастури.

14.10 «КиноТеатр».

14.30 Тазквандо бўйича

Ўзбекистон кубоги.

14.50 Кундузги сеанс:

«Бошсиз чавандоз».

Бадийий фильм.

16.20 «Тарих кўзгуси». 3-

қисм.

16.40 Муסיкий танаффус.

16.55 «Ватанимга хизмат

қиламан».

18.10 «Баркамол авлод

орзуси».

18.30 «Инсон ва қонун».

18.50 «Куйла, ёшлигим».

19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00

Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус

тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз

тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Санъат усталарининг

концерти.

21.25 «Ўзбекистон»

каналлида илк мартаба:

«Ошин». Телесериал.

21.55 «Дунёқараш».

22.10 Теннис бўйича Осиё

чемпионати.

22.50 «Мувозанат».

23.10 «Ахборот-дайжест».

23.30-23.35 Ватан

тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» почтаси,

«Дунё ва болалар».

9.45 «Покахонтас».

Мультсериал. 1-қисм.

10.10 Муסיкий лаҳзалар.

10.20 ТВ-анонс.

10.25 «Эсмеральда».

Телесериал.

10.55 Бизнес-академия.

11.10 Жаҳон жуғрофияси.

12.00 Қўли гул уста.

12.20 «Доктор Финли».

Телесериал.

13.10 Ёшлар овози.

13.30 Кўҳна оҳанглар.

13.40 Интерфутбол.

15.20 Автосалтанат.

15.35 «Эртақлар тарқ этган

дара». Бадийий фильм.

16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод»

студияси: «Ҳамма нарсани

билишни истайман»,

болалар учун концерт.

17.25 «Покахонтас».

Мультсериал. 2-қисм.

17.50 Таянч.

18.10 ТВ-анонс.

18.15 Автопатруль.

18.35 «Тараддуд».

Шаҳрисабз шаҳрининг

2700 йиллиги олдидан.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 Давр-интервью.

20.05 Марди майдон.

20.25 Ёшлик наволари.

20.45, 21.20, 22.35

Эълонлар

20.50 «Эсмеральда».

Телесериал.

21.25 Ёшлар овози.

21.45 Ёшлар овози.

21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканаллида

спорт дастури: Нокаут.

23.35 Давр.

23.50 «Ҳақиқат чегараси».

Сериал.

00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент»

телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Гросс

поинт». 7-қисм.

17.40, 19.20, 22.00

«Экспресс» телегазетаси.

18.00 Болажонлар экрани.

«Астериксинг 12

жасорати». 2-қисм.

18.30, 20.00, 21.10, 22.20

«Пойтахт». Ахборот

дастури.

18.50 «Туризм ҳақида».

19.40 «Аёл-она, мураббий,

раҳбар» телеклуби.

20.30 ТТВда сериал:

«Азизим Изабелла».

21.30 Мумтоз наволар.

22.45 Кинонигоҳ. «Сирлар».

00.15-00.20 «Хайрли тун,

шаҳрим!»

«Халқаро»

телеканал

«БИРИНЧИ КАНАЛ» 6.30-

8.00

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Вести».

наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Coscom» хабарлари. 19.50 Кўхна оҳанглар. 20.00 «Давр»-интервью. 20.15 Бегойим. 20.35 «Ер ишқи». Мусиқий дастур. 20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.55 Давр. 1.00-1.05 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВДа сериал: «Гросс поинт». 9-қисм. 17.40, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси. 18.00 Болажонлар экрани. «Астериксинг 12 жасорати». 3-қисм. 18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Навиҳол». 19.25 «Камолот фасли». 19.50 ТВДа мусиқа. 20.30 ТВДа сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Умр йўлдоши». 22.45 Кинонигоҳ. «Мен ва менинг соям». 00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал «БИРИНЧИ КАНАЛ» 6.30-8.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 «Вести». 17.05 «Евроњиос» янгиликлари. 17.20 «Биз анойи эмасми».

Ҳажвий кўрсатув. 18.00 «Оилавий ришталар». Сериал. 19.00 «Заиф бўйи». Шоу ўйини. 20.00 «Время». 20.40 «Каменская». Сериал. 21.30 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 21.40 М. Задорновнинг концерт дастури. 22.35 «Юлдузлар фабрикаси». 23.00 «Ахборот» (рус

тилида) 23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 11.50 «Муносиб жуфтлик». Сериал. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал.

15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Телесериал. 15.50 «30-канал» да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «Кўрсинқон-2». Сериал. 18.55 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Фаталистлар». 21.05 «Клип-сова». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Фазолик келгинди». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

18

«Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Сато». 9.20 «Портретга чизгилар». 9.40 «Хунарманд». 10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар «Болалар сайёраси»: 10.05 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Беш бармоқ». 11.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати. 13.00 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 13.20 «Олам». Телеальманах. 13.55 ТВ анонс. 14.10 «Тарих кўзгуси». 5-

қисм. 14.30 Кундузги сеанс: «Сабрина». Бадий фильм. 16.30 «Хуқуқ сабоқлари». 16.50 Мусиқий танаффус. «Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Йўла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Санъат гунчалари». 18.10 «Тиббиёт одимлари». 18.25 «Олтин мерос». 18.45 «Тафсилот». 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 Бир жуфт кўшиқ. 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон халқ артистлари. 21.25 «Ўзбекистон»

каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 21.55 «Олтин бешик». 22.15 Теннис бўйича Осиё чемпионати. 22.55 «Йўл бошида». 23.15 «Ахборот-дайжест». 23.35-23.40 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 9.40 «Покахонтас». Мультсериал. 4-қисм. 10.05 «Давр»-интервью. 10.20 Мусиқий лаҳзалар. 10.30 «Эсмеральда». Телесериал. 11.00 Ёшлар овози. 11.20 «Coscom» хабарлари. 11.30 «Доктор Финли». Телесериал. 12.20 Бегойим. 12.40 Интерфутбол.

14.20 Кўхна оҳанглар. 14.35 «Қалбим чечаги». Телесериал. 1, 2 қисмлар. 16.00 ТВ-анонс. 16.05 Мозийдан келажаққа. 16.25 Кўрсатувлар дастури. 16.30 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?» 16.50 «Покахонтас». Мультсериал. 5-қисм. 17.15 ТВ-анонс. 17.20 Дунё ажойиботлари. 17.40 Ёшлар овози. 18.00 Аскар мактублари. 18.20 Хуқуқ ва бурч. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўхна оҳанглар. 19.50 «Давр» нигоҳи. 20.10 Саломат бўлинг. 20.30 Ёшлик наволари. 20.50, 21.40, 22.35 Эълонлар 20.55 «Қалбим чечаги». Телесериал. 3-қисм. 21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг қироллари». 00.10 Давр. 00.25 «Ҳақиқат чегараси». Сериал. 00.50-00.55 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Гросс поинт». 10-қисм. 17.40, 19.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.00 Мультфильм. 18.15 «Эл ҳизматида». 18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Сухбатдош». 19.30 ТВ-пилос. 20.30 ТВДа сериал: «Азизим Изабелла». 21.30 «Дорихона эшитиди». Бевосита мулоқот.

23.05 «Кинонигоҳ». «Ҳукм этилганлар». 00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал «БИРИНЧИ КАНАЛ» 6.30-8.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 «Вести». 17.05 «Евроњиос» янгиликлари. 17.20 «Инсон ва қрнун». 18.00 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.40 «Юлдузлар фабрикаси». 21.45 А. Пугачева иштирокидаги концерт дастури. 23.35 А. Шварцнеггер, Ж. Чан, С. Сталлоне, «Йилнинг энг яхши кинотроклари» кўрсатувида. 1.10 «Ахборот» (рус тилида)

1.45 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Сухбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 11.50 «Муносиб жуфтлик». Сериал. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 «Домино принципи». 16.00 «30-канал» да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «Кўрсинқон 2». Сериал. 18.55 «Ошиқона», мусиқий дастур. 19.10 «30-канал» да ринг қолдузлари. 20.00 Елена Степаненко шоуси. 21.05 «Клип-сова». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Пойгачи». 23.15 Спорт дастури.

SHANBA

19

«Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Йўла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 9.35 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида». 9.55 ТВ-1 кинотеатри: «Табиб». Бадий фильм. 1-қисм. 11.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати. 13.00 «Табиб». Бадий фильм. 2-қисм. 14.05 «Маърифат». Телеальманах. «Адабий жараён»: 14.25 1. «Езувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Мутлола». 15.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Сўғдиёна».

16.00 ТВ клип. 16.10 «Ягона оилада». 16.40 ТВ анонс. 16.45 Болалар учун. «Фламинго». 17.05 «Рангин дунё». 17.25 «Бахтимизга омон бўлинг». «Болалар сайёраси»: 17.45 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 18.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 19.05 «Истеъод». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури. 21.35 Теннис бўйича Осиё чемпионати. 22.15 Телевизион миниатюралар театри.

22.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор»-«Насаф». 23.25 «Ахборот-дайжест». «Тунги ёғду». Дам олиш дастури: 23.45 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари. Бадий фильм. 1.00-1.05 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?» 9.20 «Покахонтас». Мультсериал. 5-қисм. 9.45 Табобат олимпиада. 10.05 Мусиқий лаҳзалар. 10.15 ТВ-анонс. 10.20 «Давр» нигоҳи. 10.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг қироллари». 11.40 Ёшлар овози. 12.00 «Океан тубида». Бадий фильм. 13.45 Дунё ажойиботлари. 14.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

14.45 Очун. 15.10 «Экспедиция». Хужжатли сериал. 16.00 Оила тилсими. 16.20 Кўхна оҳанглар. 16.30 «Рамаёна». Телесериал. 17.05 ТВ-анонс. 17.10 Кўрсатувлар дастури. 17.15 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 17.35 Кўшқуқ. 17.50 Футбол плос. 18.10 Саломатлик сирлари. 18.30 Каталог. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўхна оҳанглар. 19.45 Бугуннинг ёшлари. 20.05 «Давр»-репортаж. 20.15 «Куз оҳанглари». Мусиқий дастур. 20.35 Кутилмаган меҳмон. 20.55, 21.45, 22.35 Эълонлар 21.00 «Қалбим чечаги». Телесериал 4-қисм. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 Тунги тароналар. 22.55 «Ёшлар» телеканалли

да премьераси. «Парилар салтанати». Бадий фильм. 1.10-1.15 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мультчарпалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.10, 19.40, 21.50 «Экспресс» телегазетаси. 18.30 «Афиша». 18.50 «Мусиқий лаҳзалар». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 20.00 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 20.40 «Моҳир». 20.50 «Эхтиром ила». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. 21.20 «Хушнуд дамлар». Мусиқий дам олиш дастури. 22.10 Кинонигоҳ. «Эхтирос еллари». 3-қисм. 23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа». 9.10 «Лаззат».

9.30 «Табиятшунос билан саёҳат». 10.00 Е. Петросянининг «Кулгу панорамаси». 10.40 «СФ янгиликлари». 10.50 «Мультсеанс». 11.10 «Билишни истаيمان». 11.30-12.30 «Дўстлик» видеоаналиг: «Немис шарҳи». «Ўзбекистон-умумий уйимиз». «Бизнен мирас». 17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Бинафша». 18.00 «Ким миллионер бўлишни истаиди?» Телеўйини. 19.00 «Сўнгги қаҳрамон-2». 20.00 «Время». 20.30 «Нима? Қаерда? Качон?» 21.40 «Дурдаршан». 22.05 «Ассалом, Франция!» Тунги канал: «Хали кеч эмас...» 22.20 «Шлягер». 22.35 «Моданинг гўзал дунёси». 22.50 «Хит-парад». 23.05 «Юлдуз билан тунги учрашув». 23.15 «Яшаш воситаси». 23.30 «Муз зобла». 23.45 «Бешинчи гилдирак». 24.00 «Икки ёқлама зарба».

00.15 «Топ-музика». 00.30 «Ахборот» (рус тилида) 1.05 Киносеанс: «Ҳаммаси яшилди билан тугагани маъқул». Бадий фильм. 2.35 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Филимоннов ва компания». Юмор кўрсатуви. 12.00 Оилавий кино. «Хавфли гастроллар». 17.00 «Ўз ўйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Денгиз мушуқлари. Енгилмас куч». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-сова». Телетабриқнома. 21.05 «Ўлим калити». Детектив сериал. 22.00 «30-канал» кинооқшоми: «Жосуслар болалари». 23.30 Мусиқий дастур.

Yakshanba

20

«Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.15 «Ғаройибот». 9.35 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати. 13.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 14.00 «Она меҳри». 14.20 С. Имомов. «Эргинамининг орауси». Муқимий номдаги Ўзбек Давлат театри спектаклининг премьераси. 15.45 «Кўхна замин оҳанглари». 16.05 «Қорақалпоқнома».

16.25 «Қалб гавҳари». 16.45 Телевизион миниатюралар театри. «Болалар сайёраси»: 17.05 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйини. 18.05 «Талабалик йиллари». 18.25 «Туртинчи ҳоқимият». 18.45 «Оқ олтин». Телелоторея. 19.15 Бир жуфт кўшиқ. 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Кўшиғимиз сизга армугон». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Яқшанбада сиз билан бирга». «Спорт дастури»: 21.35 Теннис бўйича Осиё чемпионати. «Яқшанба кинозалли»: 22.35 «КиноТеатр».

22.55 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Бадий фильм. 00.10- 00.15 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.20 «Мульттомоша». 9.50 ТВ-анонс. 9.55 Давр-репортаж. 10.05 Футбол плос. 10.25 Очил дастуржон. 10.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сафия Сафарова куйлайди. 10.55 «Заковат» интеллектуал ўйини. 11.45 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 12.25 Нокаут. 12.50 Мусиқий лаҳзалар. 13.00 «Менинг қизим бор».

Бадий фильм. 14.30 Чемпион сирлари. 14.50 Кўхна оҳанглар. 15.05 «Экспедиция». Хужжатли сериал. 15.55 Кишлоқдаги тенгдошим. 16.15 Оҳанрабо. 16.45 «Рамаёна». Телесериал. 17.20 Кўрсатувлар дастури. 17.25 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чакқон?» 17.50 «Мульттомоша». 18.20 ТВ-анонс. 18.25 Спорт ҳафтанома. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.15 Кўхна оҳанглар. 19.30 Истеъод. 19.40, 22.30 Эълонлар 19.45 «Олтин ҳумо» мукофотнинг топшириш маросими. 21.20 Зинама-зина. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ҳафта ичида. 22.35 ТВ-анонс. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Ёшлар» телеканалли

да премьераси «Ҳеч нарса кўрмаялман, ҳеч нарса эшитмаёлман». Бадий фильм. 00.25-00.30 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Эртақларнинг сехрли олами». 19.00, 20.30, 21.35 «Экспресс» телегазетаси. 19.20 «Жаҳон географияси». 19.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 20.50 «Телефакт». 21.00 «Ташриф». 21.20 «Мисли гавҳар». 21.55 «Спорт-клуб». 22.15 Кинонигоҳ. «Эхтирос еллари». 4-серия. 23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Ҳамма уйдалигида».

10.05 «Мазақурақлар». 10.50 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури. 11.50 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (Инглиз тилида) 12.00 «Инглиз тили Сиз учун». 12.25 «Экран зийнати ва қиймати». 12.45 «Парле ву франсе?» 13.10 «Фан тайм». 13.20-14.40 «Дўстлик» видеоаналиг: «Рангинкаммон». «Дидар». «Айқурек». «Корейс тилини ўрганамиз». 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Жонли табиат». 17.35 «Мусиқий серпантин». 18.05 М. Галкиннинг яқхон концерт дастури. 19.40 «Хижоя...» 20.05 «7 дан 70 гача». 20.30 «Тенгдошлар». 21.00 «7 кун». 21.25 «Олтин микрофон». 21.55 «Кинопрофи». 22.15 Кинематограф. «Кузатувчи». Бадий фильм.

23.50 «Тахлилнома». 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Чангалзорлик бола». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Самовий урушлар. V қўрғиниш. Империя жавоб зарбасини уради». 16.10 «Аёл нигоҳи». 16.40 «Яширин камера билан». Ҳажвий дастур. 17.00 «Ўз ўйини». Телеўйини. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Мусорчи». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Бидада ҳамма уйда». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-сова». Телетабриқнома. 21.05 «Ўлим калити». Детектив сериал. 22.00 «30-канал» да яқшанба кинооқшоми. «Қирол бўлишни истаган одам». 24.00 Спорт шарҳи.

Кузги-қишки мавсумни беташвиш ва кўнгилдаги-дек ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 июнда «Республика иқтисодий тармоқларини 2002-2003 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ва унда кўйилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан 2002 йил 9 июлда Тошкент вилояти ҳокимининг қарори қабул қилинди.

Юқоридаги қарорларга биноан саноат, транспорт, ёнилги-энергетика, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо, қурилиш ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари, уй-жойлар, қозонхоналар ва муҳандислик иншоотларида 2002-2003 йилларда куз-қиш даврини барқарор ўтказиш бўйича 1062 та тадбир белгиланди.

Унга кўра вилоят ҳудудидаги 162 та иситиш қозонхоналарини таъмирлаш ишлари кўзда тутилган. Амалда эса шу йилнинг 16 сентябрга қадар уларнинг 101 таси (62,3 фоизи) ишлатишга тайёр ҳолга келтирилган. Янги қозонхоналарни фойдаланишга топшириш режаси эса 100 фоизга урддаланган, 1600 дан зиёд турли бино ва иншоотларнинг

соғлиқни сақлаш муассасаларида қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилмагани газетамизда танқид қилинган эди. Танқиддан тўғри хулоса чиқариб, оққўрғонликлар тайёргарликни барвақт бошлаб юбордилар. Хусусан, Акмал Икромов номли ширкат

моқда. Ундаги ишларни 40-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси қурувчилари адо этмоқда. Мактаб директори С.Мавлонованинг айтишича, бу йил қишда ўқувчилар иссиқ синф хоналарида таълим оладилар. Хуллас, мавсумга ҳозирлик ту-

Тарафдуд

Бу йил вилоят бўйича 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг 216 тасини таъмирлаш кўзда тутилган эди. Ҳозиргача 71 та уй мукамал таъмирланди. Ўрни келганда яна шуни айтиш жоиз, бу ишлар Янгийўл, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, Паркент, Қибрай, Бўстонлик туманларида яхши кетмоқда. Аммо Чиноз, Янгийўл туманларида сусткашликка йўл кўйилмоқда.

Қиссадан ҳисса шуки, эрта кузнинг ганимат кунлари ўтмоқда. Эртага совуқ кунларда ортиқча ташвишларга қолмай деганлар ҳаракатини тезлатмоғи керак. Негаки, бу йил қиш илиқ келади, чўзилмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди: Олдинги йиллардаги қийинчиликлар, вақтида кўрилмаган чоралар оқибати ҳаммамизга сабоқ бўлиши лозим.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати муҳбири».

ҚИШ СУСТКАШЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

кам-кўсти тузатилди. 185 тасида эса мукамал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Шунингдек, 171 км. узунликда иситиш тармоқлари, 32,2 км. ичимлик суви, 1334,7 км. электр тармоқлари, 115 та турар-жой бинолари, 1991 йилгача қурилган 71 та уйлар, 113 та мактаб, 45 та боғча, 15 та шифохона, 2 та поликлиника мукамал таъмирдан чиқарилди.

Ўрни келганда бир гапни айтиб ўтсак. Ўтган йили Оққўрғон туманидаги бир қанча мактаб ва

хўжалиги бошқа ҳомийлар ёрдами билан 16-мактабда мавжуд камчиликларга барҳам берилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш учун икки юз минг сўм ажратилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси эса компьютер берди. Синф хоналари талаб даражасида жиҳозланди.

Худди шунингдек, 25-мактабга газ қувури тортилди. Бошланғич синфлар янги бинога кўчирилди. Айни кунларда қозонхона қурилиши ниҳоясига етказил-

мандаги бошқа зиё масканларида ҳам жадал бормоқда.

Суюқ ёнилги ва кўмир захираси яратиш борасида ҳам вилоятда сентябрь ойининг биринчи ярмига қадар маълум ишлар қилинди. Тасдиқланган жадвалга биноан шу кунгача режадаги 15,5 минг тонна ўрнига 11,16 минг тонна мазут ёнилгиси амалланди. Вилоят корхона ва ташкилотлари йиллик режада белгиланган кўмирнинг қарийб 60 фоиз захирасини барпо этди. 850 тонна туз жамғарилди.

Sport Sport Sport

НАВБАТ ТЕННИСЧИЛАРНИКИ

Пусанда ўтказилаётган XIV Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар яна учта медалга сазовор бўлди.

Оғир атлетика баҳсларида Игор Халлилов 105 килограмм вазн тоифасида штангани силтаб ва даст кўтариш беллашувларида умумий ҳисобда 405 килограмм натижа билан кумуш медални



кўлга киритди. Юртимизнинг энг етакчи байдаркачиси Антон Ряхов ўз имкониятидан биров паст натижа кўрсатди. У 1000 метр масофага ўтказилган пойгада 3.39 дақиқа кўрсаткич билан маррага учинчи бўлиб етиб келди. Канозда эшак эшувчи Дмитрий Коваленко эса 1 километр масофани 4.08 дақиқада босиб ўтиб, терма жамоамизга яна битта бронза медали келтирди.

Мусобақада теннисчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Ирода Тулаганова ярим финал учрашувида мезбон Чон Жон Кимни 3:6, 6:3, 6:2 ҳисобида мағлуб этиб финалга чиқди. Эркалар баҳсида Олег Огородов ҳам мусобакани давом эттирмоқда.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА муҳбири.

СЎНГИ СОАТДА: Пусандан навбатдаги хушхабарни олдик. Хамюртимиз Ирода Тулаганова финал босқичида ҳам галаба қозониб, олтин медал соҳибаси бўлди.

СУРАТДА: И. Тулаганова.

«Жаҳон» АА олган сурат.

14th Asian Games BUSAN 2002

БАЛЛИ, ДИЛШОД!

Келеслик ёш полвон Дилшод Мансуров XIV Осиё ўйинларида 54 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқиб, барча рақибларини катта устунлик билан енгиб, финалга чиққан эди.

Ана шу ҳал қилувчи сўнги учрашувда ҳам катарлик рақибини йирик ҳисобда мағлуб этиб, хурмат шохсупасининг биринчи поғонасига кўтарилди ва терма жамоамиз жамғармасига яна битта олтин медал қўшди.



1999 йили Сиднейда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш медал соҳиби, Бутунжаҳон ёшлар ўйинларининг мутлақ ғолиби Дилшод Мансуров мамлакатимизнинг энг умидли полвонларидан. Унинг эркин кураш бўйича тўрт карра республика чемпиони, Тошкент туманидаги спорт мактаби мураббийи Нурлан Жақсилиқов, республика терма жамоаси мураббийи Геннадий Чернов устозлигида бунданда нуфузли мусобақаларда ҳам республикамиз шухратини янада баланд кўтаришига шубҳа йўқ.

Ўз муҳбиримиз.

ЮРТДОШЛАРИМИЗДА ИМКОНИАТ БОР

Фарбий ва шарқий Осиё минтақалари гуруҳларида учинчи саралаш босқичининг биринчи учрашувлари бўлиб ўтди.



Фарбий Осиё гуруҳида мамлакатимизнинг икки жамоаси иштирок этмоқда. «Нефтчи» Яманнинг «Аҳли Сана» жамоаси меҳмони бўлди. У иккинчи босқичда Қирғизистоннинг «Жаштик» жамоасини икки марта 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, учинчи босқичга йўлланма олган эди. «Нефтчи» эса мусобақанинг дастлабки учрашувини ўтказди.

Юртдошларимиз учрашувининг беҳинчи дақиқасидаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. 30-дақиқада Абдумажид Тоиров ҳисобни 2:0 га етказди. Танаффусдан сўнг эса майдон эгалари «Нефтчи» дарвозасига битта жавоб тўпи киритдилар.

Пахтакорчилар Катарнинг Ал-Аҳли шаҳрида «Ал-Иттиҳод» жамоасига қарши майдонга тушдилар. Уйиннинг дастлабки дақиқаларида майдон эгалари ҳисобни очишга эришдилар. Юрий

Никитков қарши ҳужумларнинг бирини самарали яқунлаб, жавоб тўпини киритди. Шундан сўнг майдон эгалари яна ҳужумга ташланиб, ҳисобни 3:1 га етказдилар. Сервер Жеперов иккинчи бўлимнинг еттинчи дақиқасида, Леонид Кошелев эса 57-дақиқада ҳисобни тенглаштирди. 75-дақиқада майдон эгалари 11 метрлик жарима тўпини пахтакорчилар дарвозасига аниқ йўллаб, ўйинни 4:3 ҳисобида яқунладилар.

Пахтакорчилар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, кейинги босқичга чиқиш учун имконият бор. Биринчидан, сафарда киритилган учта тўп «уй»да асқотиши мумкин. Қолаверса, Тошкентда ўтказиладиган жавоб учрашувида сафарда майдонга тушмаган Миржалол Қосимов ва Гочкули Гочкулиев асосий таркибда тўп сурадилар.

Жавоб учрашувлари 23 октябрь куни ўтказилади.

Талъат ЮСУПОВ.



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу йил 14-20 октябрь кунлари Тошкентда Осиё теннис федерацияси ва Ўзбекистон теннис федерацияси яна бир нуфузли мусобақа - Осиё чемпионатини ўтказди

китаси ўз спортчиларини биринчи Осиё чемпионатида иштирок этиш учун юборган. 1989 йилга қадар биринчиликда фақатгина хаваскор спортчилар қатнашган. Лекин ўша йилдан эътиборан, мусобақаларга профессионал теннисчилар ҳам кўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2002 йил ОТФ учун алоҳида эътиборга молик сана ҳисобланади. Чунки шу йили Осиё биринчилиги ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. ОТФ мамлакатимизда истиқлол йилларида спортни, хусусан, теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самарасини юксак баҳолаб, ана шундай юбилей-турнирга мезбонлик қилиш ҳуқуқини Ўзбекистонга берди. Бундан ташқари, қитъа чемпионати нафақат Марказий Осиё, балки Шарқий Осиёда биринчи марта ўтказилмоқда. ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерацияси шу йилдан бошлаб уч йил давомида ушбу мусо-



бақани юртимизда ўтказишга келишиб олди.

Шундай қилиб, 14 октябрдан эътиборан Тошкент теннис маркази кортларида Осиёнинг энг кучли ракетка усталари беллашади. Ҳозиргача 15 мамлакат спортчилари биринчиликда қатнашиш истагини билдирган.


Мусобақа қоидаларига биноан ҳар бир мамлакатдан иккитадан теннисчи қатнашади. Мезбон давлатга берилган имтиёзга кўра Ўзбекистон тўртта теннисчи - Олег Огородов, Вадим Куценко, Окгул Омонмуродова ва Иванна Исроилова номзодини кўрсатган.

ЎЗА.

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
sog'g'i
xabarlar



БИОТЕРРОРИЗМ ХАВФИ

Ўтган йили 11 сентябрда АҚШда содир этилган кўпурвчилик террорчилар гаразли мақсадларига эришиш учун хунрезликнинг энг қабиҳ йўллари танлашдан ҳам тап тортмаслигини кўрсатди. Кейинги пайтда биотерроризм хавфи ҳам инсониятга таҳдид солаётди. Террорчилар бактериологик қуролларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқда.

Сўнги хабарларга қараганда, террорчиликнинг бу усули Буюк Британия ҳукуматини қаттиқ ташвишга солаётди. Шу боисми, яқинда мамлакатда чечак касаллигига қарши эмлаш учун вакциналар ишлаб чиқарила бошланди. Бу биотерроризмга қарши кўрилган чораларнинг биринчиси.

Чечак вируси Британия лабораторияларида эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. Ўтган асрнинг ўзида чечак касаллигидан дунёда 300 миллион одам вафот этган. Чечакка қарши зардоб кашф қилинган, эмлаш орқали кўплаб одамларнинг ҳаёти сақлаб қолина бошлади.

ПОКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

10 октябрь куни Покистонда орадаги беш йиллик танафусдан кейин яна мамлакат парламентига умумхалқ сайлови бошланди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, 64 минг сайлов участкасида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 72 миллион фуқаро рўйхатга олинган. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам Миллий ассамблея, ҳам маҳаллий қонун чиқарувчи органлар депутатлигига номзодларга ўз муносабатини билдиради.

Сайлов бюллетенидан ўрин олган номзодлар рўйхати ҳам анчагина. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган 60 партиядан жами 7 мингга яқин вакил тавсия этилган. Шунингдек, сайловда яна 700 нафарга яқин мустақил номзод омадини синаб кўришга қарор қилган.

Сайлов натижасига кўра, Покистон парламентининг қуйи палатаси - 342 депутатдан иборат Миллий ассамблея таркиб топади. Юқори палата - Сенат аъзолари эса Панжоб, Синд сингари штатлардаги маҳаллий ассамблеяларга сайланган депутатлар орасидан икки ҳафта ичида аниқланади.



Испаниянинг гўзал биноларидан бири.

ҲАМОН КУН ТАРТИБИДА

Куни кеча Оқ уй раҳбари Жорж Буш АҚШнинг Ироққа нисбатан юритаётган сиёсати ҳақида маъруза ўқиди. Унда айтилишича, АҚШ хавфсизлигини таъминлашнинг ягона йўли Ироқдаги мавжуд тузумни ўзгартиришдир. Шунингдек, Жорж Буш Ироқ муаммосини ҳал қилишда музокара қўл келмаса, ҳарбий куч ишлатилишини таъкидлади.

Президент Жорж Бушнинг маърузаси ҳукумат вакиллари билан биргаликда қолдирмайди, албатта. Жумладан, давлат котиби Колин Пауэллнинг таъкидлашича, АҚШ муқаррар уруш тарафдори эмас, аммо Ироқнинг оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқаришига ҳам йўл қўйиб бўлмайд.

Айни кунларда БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироқ бўйича резолюциянинг янги лойиҳаси устида ишламоқда.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ

Брюсселда Еврокомиссиянинг навбатдаги кенгаши яқунланди. «Иттифоқни кенгайтириш сари» деб номланган ҳисоботда Литва, Латвия, Эстония, Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Кипр ва Малта 2004 йилгача ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлажаги таъкидланган. Номлари зикр этилган

давлатлар тадорикни кучайтира бошлади.

Европа Иттифоқига Болгария, Руминия ва Туркия ҳам киришни мўлжалламоқда. Ҳозирча бу давлатларда ташкилотга аъзо бўлиш имконияти бор. Бироқ, Европа Иттифоқи таркибидан ўрин олиш учун уларда қатор ислохотлар ўтказилиши лозим.

АФҒОНИСТОННИНГ ЯНГИ ВАЛЮТАСИ

Афғонистонда ҳаёт изга тушиб бормоқда. Иқтисодий тиклаш мақсадида ислохотлар амалга оширилмоқда. Куни кеча валюта тизимида янгилаш бошланди.

Сир эмаски, чорак аср давом этган уруш ва ички низолар туфайли аввалги валюта - афғоний умуман қадрсизланиб кетганди. Айниқса, АҚШ доллари билан солиштирганда афғон пули чойчақага ҳам арзимаслиги маълум бўлади.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, янги бир афғонийга эски мингтаси тўғри келади. Неча кунки, Кобулдаги пул алмаштириш шаҳобчалари одамлар билан гавжум. Эски пулни янчисига алмаштириб олиш учун икки ой муҳлат берилган. Шу сабабли ҳамма одам бор пулни янгилаб олишга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакат раҳбари Ҳомид Карзай валюта ислохоти халқ бирлигини мустаҳкамлаш, аҳоли

фаровонлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Шу билан бирга, президент Афғонистон муаммоси ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаганига урғу бериб, жаҳон ҳамжамиятини мамлакатни назоратдан четда қолдирмасликка чақирди. Ҳомид Карзай «Би-Би-Си» ахборот маҳкамасига берган интервьюсида Афғонистонда террорга қарши кураш ҳали ниҳоясига етмаганини айтиб ўтди.

Ироқдаги нотинч вазият туфайли Афғонистон иккинчи даражали муаммага айланиб қолди, деган фикр нотўғри, дейди сиёсатчилар. Ақсил-террор операцияси бошланганига яқинда бир йил тўлади. Шунга қарамай, мамлакатда тўла барқарорлик ўрнатилган эмас. Халқаро тинчликни сақлаш кучлари Афғонистонни тарқ этмаганининг асосий сабаби ҳам шу. Айни кунларда минглаб аскарлар афғон чегараларини Ҳимоя қилмоқда.

Шундай бўлса-да, Афғонистондаги кузатувчилар сўнги бир йил ичида мамлакатда талай ижобий ўзгаришлар юз берганини таъкидлайди. Афғон аёлларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тикланиши, Афғонистон шаҳарларида маданият ва истироҳат боғлари, кинотеатрлар ишга тушиши, спорт мусобақалари ўтказилаётгани кузатувчиларнинг бундай фикрларини тасдиқлайди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

НОЁБ ОПЕРАЦИЯ


Хабаровск нейрожарроҳлари ноёб операцияни амалга оширишди. Улар одамнинг калласини қайта тикдилар. Константин Рошчин сувчангисидан учаётган вақтида жароҳатланди. Қалқиб натижасида калласи кескин орқага ташланди, натижада бўйнидаги иккита умуртқаси бир-биридан ажралиб кетди. Калла амалда мушакларга илиниб, орқа мия эса умуман Ҳимоясиз қолган эди.

«Тихоокеанская правда» газетасида ёзилишича, бу ёш инсоннинг умуртқалари касалхонада махсус титан конструкциялари билан бир-бирига мустаҳкамланди. Ҳозир операциядан муваффақиятли чиққан бемор даволанмоқда.

БАДАВЛАТЛАР КАМБАҒАЛЛАШМОҚДА

Америкада бизнесменлар учун наشر этиладиган «Форбс» журналинда «400 америкалик бой» мақоласи босилиб, унда бадавлатларнинг «олтин» даври ўтаётганлиги ва янги миллиард-миллиард даромадларни топиш тобора мушкуллашаётганлиги қайд қилинади. Бойлигининг ҳажми жиҳатидан дунёда биринчи эгаллаб келаётган «Майкрософт» фирмаси асосчиси Билл Гейтс сармоясини 11 миллиард долларга камайган. Лекин, бойлиги 43 миллиард долларгача қисқарганига қарамай, ҳамон америкалик бизнесменлар рўйхатининг биринчи погонасини эгаллаб турибди. Унинг шериги Пол Аллон сармоясини эса, 7,2 миллиардга қисқарган бўлса ҳам, 21 миллиард долларлик бойлик эгасидир.

«Беркшир-Хатауэн» холдинги бошлиғи бир йил давомида 3 миллиард доллар зарар кўрганига қарамай, 38 миллиардлик бойлиги билан сармоя-



дорлар орасида иккинчи ўринда турипти. 2,3 миллиард доллардан маҳрум бўлган «Оракл» корпорацияси эгаси бу рўйхатда тўртинчи ўриндан сурилиб, тўққизинчи ўринга тушиб қолди.

Мамлакатнинг кўпчилиги бойлари сўнги йилда катта зарар кўрдилар. Бу тамойил давом этаяпти. Лекин, бойликка бойлик қўшаётган бизнесменлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, машҳур қандолатчилар. «Уолл-Март» универмаглар тармоғи соҳибларининг ҳар бири сармоясини 17,5 миллиарддан 18,8 миллиард долларгача етказиб, умумий рўйхатда тўртинчи ўринга чиқиб олдилар.

(ҲАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

Турфа олам

ЁШЛАР ЭКОПАРЛАМЕНТИНИНГ ЙИГИЛИШИ

«Экосан» халқаро жамғармасида Йоханнесбургда ўтказилган жаҳон саммити яқунларига бағишлаб «Барқарор ривожланиш мақсадидаги ёшлар ҳамкорлик ташаббуслари» мавзuida ёшлар экопарламентининг 3-йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон ёшларининг эътиборини табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлик масалаларига қаратиш мақсадида «Экосан» жамғармаси қошида ёшлар экопарламенти ташкил этилди.

Ушбу экопарламентнинг мақсади ёшлар орасида экологик-ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш ва уларнинг экологик таълим ва маданиятини шакллантиришдир

«Туркистон-пресс».

BUNCHA GO'ZALSAN HAYOT

Bugun do'stlar, dillar shod, Asta-asta atomni,
Qo'shiq kuylaydi Dilshod. Parchalaymiz metalga.
Buncha go'zalsan hayot, Gulga burkab dunyoni,
Urush bo'lsin bizga yot. Tinchlik deymiz insonga!

Abdusamad YUNUSOV.



Bolalik bog'i

Бекажон

«РОГАЛИК» ПЕЧЕНЬЕСИ

250 г маргаринни киргичдан ўтказиб 2 стакан ун, 50 г сув, ярим чой қошиқ истеъмол содасини бир чой қошиқ сирка билан аралаштириб, юмшоқ хамир қорилиди. Сўнгра хамирни 5-6 соатга совутгичга қўйилади. Тайёр хамирни кичик бўлакчаларга бўлиб, юмалоқ зувалачалар тайёрланади. Ҳар бир зувалачани доира шаклида ёйиб, тўрт бўлакка, яъни доиранинг марказида кесиладиган диаметр чизиқлари бўйича кесилади. Кейин кесилган бўлакнинг кенг томонига ёнғоқ ёки майиз қўйиб, ўралади. Тайёр рогаликларни патнисга териб, ўртача оловда пиширилади, устига қанд упаси, корица сепилиб, дастурхонга тортилади.

«ВАФЛИ» ТАЙЁРЛАШ

Идишга 250 г юмшатирилган маргарин, 1 стакан шакар, 3 дона тухум, 1 стакан сув, 2 стакан ун солиб суюқроқ хамир қилинади. Бу турдаги вафли махсус вафли пишириладиган электр қолигда пиширилади. Бунинг учун қолип кўширилади, тайёр хамир бир ош қошиқдан қолипга қўйилади, қопқоғини ёпиб 2-3 дақиқа давомида биттадан пиширилади. Пиширилган вафлига иссиқлигида турли шакллар берилиб, ичига ҳар хил ширинликлар ёки крем суртиш мумкин.

Наргиза ҚУРБОНОВА тайёрлади.

Қўлганга Нима Етсин!

Афанди уйқуси қочиб, хаёл суриб ётган эди, бир ўғри девордан ошиб тушиб, шерикларига аста-секин кўча эшикни очиб берди. Ўғрилари уйдан, ҳовлидан дурустроқ нарса тополмай, кичик кетишаётган эди, Афанди бошини кўтариб деди: — Жон биродарлар, сизларга бир хизмат: эшикни ичидан занжирлаб кетинглар, бошқа ўғрилар ҳам овора бўлиб кириб юришмасин.

Афанди кўшнисининг ҳаҷирини сўраб олди-да, қишлоққа жўнади. Бир жойга келганда ҳаҷирнинг жилловини бурмоқчи бўлган эди, боши қаттиқлик қилиб, бошқа томонга бурилиб кетди. Иккинчи муюлишда ҳам Афанди уни ўзи истаган томонга бура олмайди, ҳаҷир ўзи истаган тарафга кетаверди.

Афанди ундан ранжиб, бор-э, билганидан қолма, деб ўз ҳолига қўйиб қўйди... Бир жойга етганда, таниши йўлиқиб, Афандидан сўради: — Ҳа, Афандим, йўл бўлсин, қаёққа кетаяпсиз? — Мен қаёқдан биламан ҳаҷирдан сўра! — жавоб берди Афанди.

Чиноз туманидаги Беруний номли 1-ўрта мактаб томонидан Абдурасул Низомиддинов номига 1998 йилда берилган 715558 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қизнинг гапидан сесканиб тушдим. У гуё ҳозир мени ЗАГСга судраётгандай шоша-пиша:

— Йўқ-йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Ёнди-ёнди қилиш йулини топамиз, — дедим. Сабабига турли ваҳ-қарсонларни кўрсатдим. Қўйингчи, уч кун ялиниб, ёлвориб ҳомилани олдиршига уни кўндирдим.

Курилиш гуруҳида ишлаган пулимизни беришганди. Уйдан ҳам унча-мунча пул олиб келгандим. Шуларни чўнтакка солиб, Гулжамол билан шифохонга бордик. Ёши элликлардан ўтган аёл бизни қабул қилди. Мақсадни лўнда баён этдим. У

иккимизга узоқ тикланди. Айниқса, менга кўпроқ разм солди. — Яхшилаб ўйладингларми, кейин афсусланмайсизларми, — деб сўради ва Гулжамолга қараб: — қизим, айниқса сиз чуқур ўйланг. Кейин бўйингизда бўлмаслиги мумкин.

Гулжамол бошини эгди. Врач яна бир обдон мулоҳаза қилинглари. Балки бу фикрдан қайтарсизлар. Агар йўқ, гап шу десангиз индинга соат ўнда келинглари, деб бизга рўхсат берди.

Айтилган куни бордик. Дўхтир яна қайта сўради. Жавобимизни эшитгач, ўтира туринглари, деб хонадан чиқди. Бироздан кейин эшикни очиб, ука сиз бу ёққа юринг, деб мени чақирди. Бошқа хонага олиб кирди. У ерда чамаси ўттиз беш-қирқ ёшлардаги эркак ва аёл ўтирган экан. Кўри-ниши, кийинишидан зийли, ўзига тўқ одамлар экани билиниб турарди. Эркак ўрнидан туриб мен билан сўрашди.

— Ўхшайдими, — сўради врач-генеколог рўпарасидаги кишидан.

— Жуда, — деб жавоб берди у. — Бизни кўрганлар ака-ука, ёки тоға-жиян деб ўйлайди.

Шунда аёл зўрига илк бор келганимизда менга диққат билан қараганини хотирладим. Ҳақиқатдан ҳам олдимдаги кишига ўхшашлигим бор эди.

— Танишайлик, исми Кабир, — яна қўлини узатди у. — Бу киши кеноянғимиз.

Мен ҳам исмиمنى айтдим. Шифокор сизлар гаплашиб олинглари, деб Кабир ақанинг аёлини ўзи билан олиб кетди.

Кабир ака ўзи ҳақида батафсил гапириб берди. Орада уй-

(Охири. Боши ўтган сонда).

ланганига ўн йилдан ошганини, фарзандсизлигини, шу тўфайли ўзи ва хотинининг боши маломатдан чиқмаётганини ўкинч билан баён этди. Сўнг, дангал мақсадга кўчди:

— Болани нобуд қилманглари. Синглимиз омон-эсон кўзи ёриси, чақалоқни биз боқамиз. Сизни ҳам, ҳалиги синглимизни ҳам рози қиламан. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди.

— Қандай қилиб, ахир сир очилиб...

— Шошманг, — гапимни бўлди. Кабир ака, — гапимни диққат билан эшитинг. Сирнинг очилмаслиги сиздан кўра кўпроқ менга, оиламга керак. Болани менинг

ишонч ҳосил бўлганди.

Нихоят салкам бир йил деганда уни кўрдим. Ортидан югурдим. У менга бефарқ тикилди. Шунда юрагим шув этиб, ҳаммасини бой берганимни англадим. Унинг чиройи яна ҳам очилган, аммо совуққон бўлиб қолганди. Аввалги кулишлари, шўхликлари ўрнини босиқлик, лоқайдлик эгаллаганди. Нимани сўрамоқчи эканимни сезиб «бола ўлди. Энди бир-биримизни боғлаб турган ҳеч нарса йўқ, ортиқ кўзимга кўринманг», деди-да жадал юриб кетди. Унинг дағал муомаласидан ростдан ҳам бола ўлибди-да, бутун алами шундан, деган фикрга келдим.

Ҳа, мен кутган «хушхабар» мен-

Воклей хикоя



ВИЖДОН АЗОБИ

хотиним тўғди деган гап тарқалиши керак одамлар орасида. Бунинг чорасини ўйлаб қўйганман.

Сиз хотиржам ўқишни давом эттираварасиз. Синглимиз эса сиртқиға кўчиради. Буни менга қўйиб бераверинг. Кейин қиз уйига бориб ота-онасини бундан хабардор этиб, ишга жойлашганини айтиб кўнглини хотиржам қилиб қайтади. Сўнг бола туғилгунча хотиним иккаласи Ташкентдан узокда беҳавотир жойда яшайди. Келишиб олайлик, гўдак дунёга келиб, кўлимизга теккандан кейин бир-биримизни танимаймиз, изламаймиз. Иш жойим, яшайдиган манзилимизни ҳозир ҳам, кейин ҳам сурштирмайсиз.

Эртасига Гулжамол ўқишга бормади. Индинга ҳам. Хавотир ола бошладим. Қалбимда унга нисбатан бошқача меҳр пайдо бўлганди. Уч-тўрт кун ўтгач, яқин дугонасидан сўрадим. «Ҳеч кимга айтма, деганди, илтимос, бошқалар билмасин. Қишлоғига кетди. Ўқишни сиртқиға кўчирармиш», деб жавоб берди.

Шу кетганча ундан дарак бўлмади. Қаердан излашни билмасдим. Виждон азоби менга тинчлик бермай қўйди. Ишқилиб болани олдирмаган бўлсин, албатта унга уйланаман, деб аҳд қилдим. Менда агар турмуш қурсак яхши яшаб кетишимизга

га қувонч бахш этмади, руҳимни енгиллатмади. Қайтанга қалбимда кучли оғриқ пайдо қилди.

Ўқишни битириб, уйга қайтдим. Отам ниятига етди, ошнас билан қуда бўлди. Дабдабали тўй қилиб берди. Хизмат пилла поляридан кўтариллавердим. Дан-риллама иморат солдим. Бироқ биронтаси менга татимас эди. Унинг устига фарзанд уволига қолганимдан зурёд ҳам йўқ эди. Бормаган жойимиз, кўрсатмаган ҳақим қолмади.

Мени деб хотиним ҳам эзилди кетди. Рўхсат беринг, кетай деди. Сенда айб йўқ, дедим. Илтимос, мени ташлаб кетма, йўқса тамом бўламан, дедим.

Бир куни кичик укамнинг аёлининг кўзи ёриди. Қиз экан. Турғуқонадан тўғри шу ҳовлига кириб келишди. Онамнинг қўлларидан чақалоқ, «Болам, мана қиза-логингни қўлингга ол, катта қилиб тўйини, орзу-ҳавасини кўринглари», дея дуо қилдилар. Яхшиям шундай қилган эканлар. Эр-хотин шу қизимиз билан овнамиз, юпанамиз. Бултур шунақа пайтлар эди. Ишхонамда ишлаб ўтирсам ўттиз ёшлардаги бир йигит кириб келди. Салом-алик қилиб «Фалончев фалончи ака сизимиз?» деб сўради. «Ҳа мен». «Мен Гулжамол опанинг укаси бўламан». Юрагим бир ёмон нарсани

сезди. «Тинчликми?» «Мазалари йўқ, ётибдилар, иложи бўлса келсалар, гапим бор дедилар».

Укаси билан ўша куниёқ йўлга тушдим. Уйдагиларга икки кунга сафарга кетаяпман деб қўйдим.

Яхшиям эрта-индин демай, етиб борганим. Йўқса, бу ҳам бир армон бўлиб қоларкан. Гулжамолни дард енгиб қўйган, аҳволи оғир эди. Ҳансирар, тўхтовсиз йўталар эди. Мени кўриб салом берди. Тепасида турган синглисига чой буюрди. У чиқиб кетгач, васиятини айтди:

— Норасидам уволига қолдим. Уч марта фарзанд кўрдим, биронтаси турмади. Кейин бу дардга йўлиқдим. Касал хотин керакмас, деб эрим онамникига келтириб ташлади. Тўрт йилдан бери шу аҳвол. Бу азоблардан қутилишимга оз қолди. Сиздан илтимос, агар тирик бўлса, ўғлимизни топсангиз. Мен уни соғ-саломат дунёга келтириб ўша, сиз кўрган одамларга берганман. Ўша кундан бошлаб умрим виждон кийноғида ўтди. Майли, онам демаса ҳам мени кечирсин, руҳимга бағишлаб тиловат қилишини сўранг, ёлворинг. Асли бошимга минг маломат тошлари ёғилса ҳам, дилбандимни ўзим воёга етказсам бўлмасмиди...

Гулжамол шундай деб ўртаниб йўғлаб юборди. Менинг ҳам кўзларимдан ёш қуйилаверди. Гулжамол қабрга қўйилиб, уч кунлик фотиҳаси ўтгунча ўша ерда бўлдим.

Шунақа, ичим тўла дард, армон, меҳмон, — оғир ҳўрсинди уй эгаси. — Бир йилдирки, таътил олдим ё бирон баҳона топилди дегунча Ташкентга чопаман. Ўғлимни қидираман. Ишқилиб тирик бўлсин, изини топай, бўлмаса онасига берган ваъдамни бажаролмай, мен ҳам ҳасратда ўтаман.

Ушбу воқеа тафсилотини ёзишга ўтиргунимга қадар ордан уч-тўрт ой ўтди.

Бир неча марта Мирза акага кўнғироқ қилиб, ўғлингиздан дарак борми, деб сўрамоқчи бўлдим. Йўқ дейишини, кўнгли яна вайрон бўлишини ўйлаб, бу фикримдан қайтдим.

Ажаб эмас, ўзи бир кун кўнғироқ қилса.

Равшан

БОБОМУҲАМЕДОВ.

Халқ табобати

Тайёрлаш усули: 50 грамм миқдордаги жийда мевалари устига 1,5 литр қайноқ сув қўйиб, паст оловда 15-20 дақиқа қайнатилди, кейин оловдан олиниб, 1 соат давомида дамлаб қўйилди-да, сузиб олинади. Бу қайнатма ни овқатдан кейин 2 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади.

АДМИНЖ

Янги жийда барглари ва мевалари яллиғланишга қарши, жароҳатларни битирувчи восита тариқасида халқ табобатида кўп ишлатилади, қайнатмаларидан эса шамоллаш касалликлари, иситма, стоматитлар, ангинада, шунингдек, оғриқни камайтириш мақсадида, ревматизм, подагра, радикулитларда фойдаланилади. Замонавий табобатда жийда меваларидан «Лохтан», «Лохлектан», «Пшати»

деган препаратлар тайёрланган. Булар меъда-ичак йўлларидаги яллиғланиш касалликларига даво қилиш, шунингдек, стоматитлар, гингивитларда оғиз ва томоқни чайиш учун ишлатилади. Жийда гулларида сувда, спирт ва мойда тайёрланган экстрактлари шамоллаш касалликлари, гипертония ва юрак иши сусайиб қолган пайтларда дурустгина наф беради.

ТОШКЕНТ HAQIQATI
ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида тарийди ва
сезиқсиз.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.